



**ЛГБТ ЖАМОА АЪЗОЛАРИ ВА ОДАМНИНГ
ИММУНИТЕТ ТАНҚИСЛИГИ ВИРУСИГА
(ОИТВ) УЧРАГАНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ
БИЛАН БОҒЛИҚ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
ҚОНУНЧИЛИГИНИ ТАҲЛИЛИ**

2019
ЕКОМ



ЛГБТ жамоа аъзолари ва одамнинг иммунитет танқислиги вирусига учраганларнинг ҳуқуқлари билан боғлиқ Ўзбекистон миллий қонунчиликни таҳлили / Эркак соғлиғи бўйича Евросийё уюшмаси (ЕСОМ). – Таллин, 2019.–146.

Мазкур ҳужжатда тақдим этилаётган маълумот ҳам нодавлат ташкилотлар ва жамоа фаоллари, ҳам давлат вакиллари учун транс* шахслар ҳуқуқлари бўйича адвокатлик жараёнларни режалаштиришда ва уларга сервис ва ҳизматларга тўсиқ қиладиган чекловларни йўқотишда фойдали бўлиши мумкин.

Нашрни чоп этишга тайёрлаган: Ўзбекистонлик экспертлар (хавсизлик нуқтаи назардан уларнинг исмлари кўрсатилмаган) ва **Юрий Йорский**.

Муаллифлар таҳлилни тайёрлашда фаол иштирок этган ва жиддий ёрдам кўрсатган **Сағиб Кулбаевга** самимий миннатдорчилик изҳор қилади.

Дизайн ва саҳифалаш: **Анастасия Данилевская**.



Eurasian Coalition
on Male Health



Нашр: Sustainable Health Advocacy with Gay men (SHAG) минтақавий консорциум доирасида Дунё миқёсидаги ЭЖАЭ ва ОИВ Форуми (MPact) ёрдами ва Роберт Карра номидаги фуқароли жамият тармоқлари Фондининг (RCNF) молиявий ёрдами билан тайёрланган ва чоп этилган.

Мазкур нашрда баён қилинган фикрлар фақат муаллифларга тегишли ва Дунё миқёсидаги МСМ ва ВИЧ Форуми (MPact) ҳамда Роберт Карра номидаги фуқароли жамият тармоқлари Фондининг (RCNF) нуқтаи назарига тўғри келмаслиги мумкин.

The views described herein are the views of this institution, and do not represent the views or opinions of the views or opinions of MPact and Robert Carr Fund for civil society networks.

Бепул тарқатилади

Материаллардан фойдаланишда Эркак соғлиғи бўйича Евросийё уюшмасига (ЕСОМ), Дунё миқёсидаги ЭЖАЭ ва ОИВ Форумига (MPact) ҳамда Роберт Карра номидаги фуқароли жамият тармоқлари Фондига (RCNF) ҳавола қилиш мажбурийдир



Бу таҳлилнинг мақсади — ҳаётни ҳар хил соҳаларида ОИТВ билан яшаётган инсонларнинг, гейларнинг ва бошқа эркаклар билан жинсий алоқа қиладиган эркакларнинг ҳамда транс* инсонларнинг ҳуқуқларини амалга оширишда қаршилик қиладиган ҳуқуқий тўсиқларни аниқлашдир. Бу таҳлилни ўтказиш учун ЭКОМ маҳаллий партнерларимиз тўлдиришга ёрдам берган услубиятни ва саволномани ишлаб чиқди. Ҳуқуқий амалиётни таҳлилда суд амалиёти ҳамда фаол инсонларнинг хабарлари, инсон ҳуқуқлар бузилиш ҳодисаларини ҳужжатлаштирадиган ва ҳимоя қиладиган ташкилотларнинг маълумотлари, матбуот хабарлари, нодавлат ташкилотларнинг халқаро органларига ҳисоботлари ҳисобга олинган.

Қонунчилик ҳам, ҳуқуқий амалиёт ҳам халқаро ва европа стандартларга мос келиши бўйича таҳлил қилинди. Халқаро механизмлар асосида ўтказилган мониторинг натижалари бўйича Ўзбекистон олган тавсиялар ва уларни ҳукумат томонидан бажарилиши ҳам таҳлил қилинди.

Мазкур таҳлил доирасида амалдаги қонунчилик бўйича маълумотлар тақдим этилганда меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатлардан кўчирмалар ишлатилмоқда, улар, афсуски, ҳар доим ҳам хушмуаммоли эмас ва сиёсий одобнинг халқаро стандартларига тўғри келмайди. Бу ҳолда ўзига хос таърифлар амалдаги меъёрий–ҳуқуқий майдонини ва қабул қилинган тилни аниқ кўрсатиш учун тақдим этилмоқда. Меъёрий ҳужжатлардан кўчирмалар қўштирноқ ичига олинган.

Мазкур ҳужжатда тақдим этилаётган маълумот ҳам нодавлат ташкилотлар ва жамоа фаоллари, ҳам давлат вакиллари учун транс* шахслар ҳуқуқлари бўйича адвокатлик жараёнларни режалаштиришда ва уларга сервис ва хизматларга тўсиқ қиладиган чекловларни йўқотишда фойдали бўлиши мумкин.

ҚИСҚАРТМАЛАР РҲЙХАТИ

ОИВ	Одамнинг иммунитет танқислиги вируси
ЕКОМ	Эркак соғлиғи бўйича Евраосиё уюшмаси
ЖАҲИ	Жинсий алоқа орқали ўтадиган инфекциялар
ЭЖАЭ	Бошқа эркаклар билан жинсий алоқа қиладиган эркаклар
ОИВ ЮО	ОИВни юқтириб олганлар
ЛГБТ	Лесбиянлар, гейлар, бисексуаллар, трангендерлар
НДТ	Нодавлар ташкилоти
БМТ	Бирлашган миллатлар ташкилоти
ЖТ	Жамоат ташкилоти
ОИТС	Ортирилган иммунитет танқислиги синдроми
Транс*	Тушунчаси ўзини трансгендер деб аниқлайдиган шахс, но-бинар ёки гендер жиҳатдан нонкомформ деб биладиган шахсни таърифлайди. Бу тушунча транссексуал, гендерквир, гендерли ўзгарувчан, но-бинар, агендер, учинчи гендер, бигендер, аммо булар билан чегараланмаган шахсларга тўғри келади



ОИТС НИ ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРҚАЛИШИ

Ўзбекистон ОИТС эпидемияси дуч келган давлат¹. Расмий статистика бўйича 01.01.2018 й санасига Ўзбекистон Республикасида 37861 нафар ОИТВ билан яшайдиган инсонлар қайд этилган. ОИТВ–инфекция ҳодисалари республиканинг ҳамма маъмурий ҳудудларда, асосан Тошкент ва Тошкент вилоятида, қайд этилган. Асосий юқиш йўллари — жинсий алоқа (69,5%) ва парентерал (бевосита қон орқали) юқиш йўли (19,5%). 2017 йилда ОИТВ билан яшайдиган эркак ва аёллар сони деярли тенг бўлди².

Давлат идоралар 2017 йилда республиканинг 5 та маъмурий ҳудудларида яшовчи 2039 нафар ЭЖАЭ лар профилактика тадбирлари билан қамраб олинганлигини, уларга 151918 дона презерватив тарқатилганини маълум қилади. Улардан 612 нафари экспресс усули ва ИФА³ усули бўйича тест топширганлар. Аммо, эркаклар орасида ихтиёрий жинсий алоқа учун жинсий жавобгарликни борлиги, бу маълумотнинг ишончли эканлигига шубҳа туғдиради. ОИТС билан яшовчи ЭЖАЭ бўйича статистик маълумотлар ишончли эмас, чунки гомосексуалликка оид инсонларнинг айтишига кўра, улар тақиблардан қўрқиб, ўзининг ориентациясини ҳатто тиббиёт ходимлардан ҳам яширади. ЛГБТ га оид шахслар ҳам оқибатлардан қўрқиб, ҳисобга турмаслик ҳодисалари истисно эмас.

ЛГБТ га оид шахслар орасида ОИТС тарқалгани ҳақида маълумотлар йўқ. Ярим расмий маълумотлар бўйича 2011 йилгача ОИВ ни юқтириб олганлар ЭЖАЭ лар орасида тарқалганлиги 0,7% ни ташкил қилади. Лекин Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигини 2012 йилдаги буйруғига асосан ЭЖАЭ га оид инсонлар хавф–хатар гуруҳига кирмайди⁴.

ЮНЭЙДС маълумотлари бўйича йилдан йилга ОИТС бўйича янги ҳодисалар ошиб бормоқда. 2017 йилда Ўзбекистонда 4025 та янги ОИТС ҳодисаси қайд этилган⁵.

¹ https://www.unaids.org/sites/default/files/country/documents/UZB_2018_countryreport.pdf Country progress report Uzbekistan, Global AIDS Monitoring 2018

² Ўзбекистон республикасида ОИВ/ОИТС тарқалишини олдини олиш бўйича ҳолатни таҳлили. <http://www.afew.org/ru/publications-ru/hiv-uzbekistan-ru/>

³ Global AIDS Monitoring 2018. — Country progress report Uzbekistan. https://www.unaids.org/sites/default/files/country/documents/UZB_2018_countryreport.pdf

⁴ “Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияни олдини олиш тадбирларни такомиллаштириш ва тиббий ёрдамни ташкил қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 80–сонли буйруғи 28 март 2012 йил

⁵ Global AIDS Monitoring 2018. — Country progress report Uzbekistan. https://www.unaids.org/sites/default/files/country/documents/UZB_2018_countryreport.pdf









ЎЗБЕКИСТОНДА ОИТС БИЛАН ЯШОВЧИ ШАХСЛАРНИ КАМСИТИШ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида соғлиқ бўйича камситишга тақиқ қўйиш назарда тутилмаган. Мос равишда бундай тақиқ Меҳнат Кодексида ҳам йўқ, Кодексида «ходимларнинг ишчанлик қобилиятларига ва улар меҳнатининг натижаларига алоқадор бўлмаган бошқа жиҳатлари»⁶ бўйича тақиқларга йўл қўйилмасам ҳам, лекин бу тўғридан-тўғри соғлиқ бўйича камситишга йўл қўйилмаслигини англамайди. Шу билан бир вақтда «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ОИВни юқтириб олганлар билан меҳнат шартномасини бекор қилишга, уларни ишга қабул қилишни рад этишга, таълим муассасаларига (таълим муассасаларининг айрим турлари мустасно) қабул қилишни рад этишга йўл қўйилмайди⁷. Бундан ташқари «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги» қонуни фуқароларда касалликларнинг ҳар қандай шакллари борлигидан қатъи назар, уларнинг камситишлардан ҳимоя қилинишини кафолатлайди⁸.

Ўзбекистонда ОИВ ни юқтирганларга нисбатан тўғридан-тўғри камситиш мавжуд. Улар юқтириш манбасини яширишни тақиқловчи Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлиги тўғрисидаги кодексининг 57 моддасига асосан⁹ давлат хизмат ходимларига жинсий алоқада бўлган шахслар ҳақида маълумот беришлари шарт.

«Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш тўғрисида» ги қонунга мувофиқ қуйидагилар мажбурий равишда ОИВга тиббий текширувдан ўтказилиши керак:

-  қон, биологик суюқликлар донорлари;
-  эллик ёшгача бўлган никоҳланувчи шахслар;
-  хомиладор аёллар;
-  инъекция орқали гиёҳвандлик воситаларини истеъмол этишда гумон қилинаётган шахслар;
-  ОИВни юқтириб олган оналардан туғилган болалар;
-  ўз фаолиятида қон, биологик суюқликлар, одам органлари ва тўқималари билан ишловчи тиббиёт ходимлари; жинсий шеригида ОИВ аниқланган шахслар¹⁰.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси. 1996 йил. 6-модда «Меҳнатга оид муносабатларда камситишнинг тақиқланиши». <http://lex.uz/mobileact/145261>

⁷ 21-модда, «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси қонуни 22 август 2013 йил.

⁸ «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси қонуни 29 август 1996 йил.

⁹ «Маъмурий жавобгарлиги тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Кодекси. 57-модда «Таносил касаллиги ёки ОИВ касаллиги/ОИТС юқадиган манбани яшириш» 24 май 2010 йил.

¹⁰ «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. 15-модда «Мажбурий равишда ОИВга тиббий текширувдан ўтказиш» 2013 йил 23 сентябрь, ЎРҚ—353-сон.

Бундан ташқари юқорида келтирилган қонуннинг 16 моддасига биноан ғайриихтиёрий равишда ОИВга тиббий текширувдан ўтказиш ҳужжатларда белгиланган тартибда унинг розилигисиз ёки қонуний вакилининг розилигисиз терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарорига ёки суд ажримига кўра амалга оширилади¹¹.

ОИВни юқтирган шахслар учун рухсат этилмаган ишлар рўйхати мавжуд. Бу рўқхатада баъзи тиббий мутахассисликлар; ҳамда сартарошлик, маникюр ва педикюр, пирсинг ва тату бўйича мутахассисликлар кирган¹². 2014 йилдан бошлаб, қарор қабул қилингандан кейин, ОИВ юқтирган шахслар учун фаолият соҳалари кенгайтирилган. Бу бўйруқгача ОИВ юқтирганларга тиббиёт соҳасида, фармацевтика саноатида, массаж бўйича хизмат курсатиш бўйича ишлашга ҳамда контактга оид спорт турлари билан шуғулланишга рухсат берилмаган эди¹³.

Эллик ёшгача бўлган никоҳланувчи шахслар мажбурий равишда ОИВга тиббий текширувдан ўтказилиши керак. Оила Кодексининг 49 моддага асосан никоҳланувчи шахслардан бири ОИВ касаллиги борлигини иккинчисидан яширганда никоҳ ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин¹⁴.

Ўзбекистонда ОИВ–инфекцияни тарқалишини олдини олиш қонунига тескари ҳолда 3 ойдан кўп чет элда бўлган мигрантлар учун мажбурий равишда ОИВга тиббий текширувдан ўтказилиши киритилган¹⁵. Бу қоида 2017 йил 28 апрел ойида ЎзР Вазирлар Маҳкамаси қарори билан киритилган. Бундан ташқари 25 январь 2018 йил «Ўзбекистонда ОИВ вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Президентни қарори чиқди, унда чет элдан келганларни яшаш жойларига қайтгандан кейин ОИВга тиббий текширувдан ўтказилиши белгиланган, бажарувчи ташкилотлар рўйхати белгиланган¹⁶. Бу қарор чет элдан келганларни мажбурий равишда ОИВга тиббий текширувдан ўтказиш учун тиббиёт ходимларни, милиция ходимларни, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлар (махалла) ни биргаликда ишлашини белгилайди¹⁷. Шунинг таъкидлаш керакки, бундай текширув махфийликни ва шифокор сирни сақлаган ҳолда ўтказилиши керак. Текширувларни ўтказиш учун милиция ходимларни ва маҳалла аъзоларини, яъни қўшниларни жалб қилиш иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ҳақида Халқаро низомда ҳамда ЖССТ ҳужжатларида келтирилган соғлиққа тегишли ҳуқуқларни бузилишидир.

regulations.gov.uz давлат порталида «ОИВ га текшириш ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» ги ЎзР Вазирлар Маҳкамаси қарорининг лойиҳаси келтирилган.

¹¹ «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. 16-модда. «Ғайриихтиёрий равишда ОИВга тиббий текширувдан ўтказиш» 2013 йил 23 сентябрь, ЎРҚ—353-сон.

¹² «ОИВ/ОИТС вируси билан касалланган шахслар ишлаши ман этилган ишлаш рўйхати ва касб турлари тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш вазирининг буйруғи 7 май 2014 й. Қайд этилган русуми 2014, 24 апрел 2014й.

¹³ https://www.norma.uz/novoe_v_zakonodatelstve/obnovlen_perechen_professiy_zapreshchennyh_dlya_vich-inficirovannyh

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Оила Кодекси. 49-модда «Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш асослари» 6 апрел 2007 года ЎРҚ—84-сон.

¹⁵ Бу материалда Тошкент шаҳар ИИББ ОИВ инфекцияси бўйича мажбурий текшириш 28 апрел 2017 й. Вазирлар Маҳкамаси Фармони билан киритилганини эсга солиди <https://iibb.uz/ru/news/voznikli-voprosy-pri-oformlenii-zagranpasporta-obratites-k-sotrudnikam-služby-miog-i-vy-poluchite-otvet-a-v-sotssetjah-vozmozhno-tolko-lajki>

¹⁶ Ўзбекистон Республикасида «Одамни иммунитетни танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори ПҚ–3493 25.01.2018й.

¹⁷ Ibid

Хужжатда мигрант давлат чегарасини кесиб ўтгандан кейин ўз ўйига 1–18 соатда етиб олиши назарда тутилади. Бу вақт ичида хавфли шахс келганлиги ҳақида маълумот тезкор хабар етказиш электрон тизими орқали тиббий муассасига ва маҳалля посбонига етказилиши керак. Ўз навбатида ҳуқуқни ҳимояловчи органнинг ходими чет элдан келганларнинг рўйхатини маҳалля қумитанинг вақилларига етказди, улар 24 соат ичида чет элдан келган шахсни тиббий муассасага етиб боришини таъминлаш керак. Агар мигрант текширувдан ўтишни хоҳламаса, маҳалля бу ҳолатни ёзма равишда посбонга етказди, посбонга мигрантни тиббий муассасага мажбурий текширув учун олиб бориш ҳуқуқи берилган.

Бу ҳолат Ўзбекистон Республикаси «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида» ги зид, чунки бу қонунда фуқаро тиббий аралашувга ўз ихтиёри билан розилик бериши шарт¹⁸. Бу қонунда атрофидагилар учун хавфли касалликка чалинган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатилиши назарда тутилади, бу «алкоголизм, гиёҳвандлик ва захарвандлик» ҳамда баъзи психиатрия касалликлари¹⁹. ОИВ–инфекция бу рўйхатга кирмайди ва ижтимоий хавфли касаллик ҳисобланмайди.

Фаол фуқаролар маълумоти бўйича Ўзбекистонда бир ойдан кўп бўлмаган мигрантлар билан профилактика суҳбатлари аэропортда «ИГИЛ назорати» деб номланган хонасида ўтказилади. Тошкент шаҳри бўйича ИИББ айтишига кўра бу чораларнинг асосли, чунки давлат органларида Ўзбекистонда узоқ вақт давомида бўлмаган мигрантлар инфекцион жиҳатдан хавли эмаслигига ва террористик ташкилотлар назарига тушмаганлигига ишонч йўқ²⁰.



ОИВ БИЛАН ЯШОВЧИ ШАХСЛАРНИНГ САФАРЛАРИГА ВА ИММИГРАЦИЯСИГА ТАҚИҚЛАР

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ОИВ билан яшовчи шахслар учун малакатга кириш ва чиқиб кетишга чекловлар йўқ.

2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон фуқаролар учун икки йиллик “чет элга чиқиш визалари” бекор қилинди ва чет элга чиқиш учун 10 йилга бериладиган биометрик паспортлар жорий қилинди. Чет элга чиқиш учун мазкур фармоннинг 39 бандида соғлиқ туфайли чиқишга чекловлар қўйилмаган²¹.

- ¹⁸ «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни». 26-модда «Тиббий аралашувга розилик бериш» 15 апрел 1999 й., 772-л.
- ¹⁹ «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни». 28-модда «Фуқароларнинг розилигисиз тиббий ёрдам кўрсатиш» 15 апрел 1999 й., 772-л.
- ²⁰ Тошкент шаҳри ИИББ мақоласи 15.07.2019 <https://iibb.uz/ru/news/voznikli-voprosy-pri-oformlenii-zagranpasporta-obratites-k-sotrudnikam-sluzhby-miog-i-vy-poluchite-otvet-a-v-sotssetjah-vozmozhno-tolko-lajki>
- ²¹ «Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш тизimini яратиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси биометрик паспорт тизимини модернизация қилишга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида» ги 26.12.2018й. 4079–сонли ЎЗР Президентининг қарори.

Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 28 моддада²², ҳар қандай фуқаро эркин бир жойдан иккинчи жойга қўчиш ҳуқуқига эга, аммо мавжуд доимий яшаш жойига қайд қилиш тизими фуқароларни ва фуқарорисиз шахсларни эркин қўчиш ва яшаш жойни эркин танлаш имкониятини чеклайди. Бу чекловлар ОИВ билан яшовчи шахсларга тегишли эмас. Тошкент ва Тошкент вилоятида фуқароларни доимий яшаш жойида қайд этиш қонун билан белгиланган ва рухсат бериш кўринишга эга. Бошқа сўзлар билан айтганда ҳар бир фуқаро Ўзбекистон ҳокимиятидан рухсат олмасдан ўзи яшаш ҳудудини эркин танлай олмайди²³.



ОИВ ТАРҚАТИШНИНГ ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

Жиноий Кодекснинг 113 моддада (4 – қисм) таносил ёки ОИВ касаллигини тарқатган учун жиноий жавобгарлик белгиланади. Модданинг тарифи қуйидагича “била туриб, бошқа шахсни ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтириш хавфи остида қолдириш ёки унга ОИВ касаллигини/ОИТС юқтириш беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади²⁴.

Ушбу модданинг 4 қисми бўйича жавобгарликка тортишнинг зарурий шarti – бу била туриб, бошқа шахсни ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтириш хавфи остида қолдириш ҳолати. Бунда юқиш ҳодисаси амалга ошди-ми-йўқми, бунга аҳамияти йўқ. ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтириш хавфи остида қолдириш дегани жинсий алоқада бўлиш ёки бошқа ҳаракатлар билан юқтиришга олиб келишдир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноий Кодексига изоҳлар қуйидаги хулосани қилиш имконини беради: жабрланган шахс ўз ихтиёри билан таносил ёки ОИВ касаллиги хавфига рози бўлса ҳам, ўзини касал эканлигини билиб, жабрланганни хавф остида қолдиргани учун жабрланувчи жиноий тортилади. Бошқа сўзлар билан айтганда, ОИВ инфекцияси билан яшовчи шахс унинг касаллиги ҳақида билган шахс билан жинсий алоқада бўлса, касаллик юқтирмаган ҳолда ҳам, ушбу модда бўйича жиноий жавобгарлигига тортилиши мумкин.

Шахснинг касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқиба-тида бошқа шахсга ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтириши Жиноий Кодексини 113 модданинг 5 қисмида белгиланган жавобгарлигига. Бу ҳолат — базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваридан 200 бараваригача миқдорда жарима ёки 360 соатдан 480 соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача аҳлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки беш йилликгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

ЎзР Соғлиқни сақлаш Вазирнинг 2019 йил 5 апрелдаги 54-н рақамли буйруғига асосан соғлиқни сақлаш органлари ОИВ ни жинсий алоқа ёрдамида тарқалиш ҳодисалар ҳақида жавобгар шахсни ЎзР ЖКнинг 113 моддага асосан жавобгарликка тортиш учун ҳуқуқбузарликдан ҳимоялаш органларига хабарни бериш ке-рак.

²² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 28-модда

²³ <http://lex.uz/docs/1869807>

²⁴ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси. 113-модда «Таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш» 24 май 2010 йил ЎРҚ—248-сон.

Буйруқ қуйидаги тартибни белгилайди: ОИВ–инфекция аниқлангач, сўхбат ўтказилади ва инфекцияни тарқатилиш йўли аниқланади. Кейин тиббиёт ходими жинсий шерик электрон маълумотлар базасида борлигини текширади ва юқтириш хавфини туғдирган шахсга нисбатан ҳуқуқий чораларни кўриш учун ички ишлар ходимларига ёзма равишда хабарни етказиши



ЭЖАЭларга ҚОН ДОНОРЛИГИНИ МАН ЭТИЛИШИ

ЭЖАЭ лар учун қон донорлигига тўғри–тўғри тақиқ йўқ. «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида» ги қонуннинг 9–моддага асосан қон ва унинг таркибий қисмларини топшириш ёши ўн саккизга тўлган шахслар тиббий кўриқдан ўтказилганидан кейингина амалга оширилади. Бу тиббий кўриқ давомида донорликка розилик берган шахс олдин бўлган ва мавжуд касалликлар ҳақида маълумот бериши шарт²⁵. Тиббий кўриқ барча донор бўлишини истаган шахслар учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган ягона тартибда ўтказилади. Шу билан бирга «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида» ги қонуннинг 15–моддаси донорлар мажбурий равишда ОИВга тиббий текширувдан ўтказилиши таъкидланган.

Ҳозирги пайтда 2016 йилга режалаштирилган ОИВ–ифекцияга қарши чораларни кучайтирилганлиги тўғрисида дастурлар қабул қилинганлиги маълум²⁶ ва терапия ва тестларни ўтказиш учун тахминан 50 млн доллар²⁷, ҳажмда қўшимча молиялаштиришни назарда тутган беш йиллик (2018–2022 йй) миллий дастур қабул қилинганлиги маълум.



ГЕНДЕРЛИ ИДЕНТИФИКАЦИЯ/ТАЪСИРЛИЛИК

(жинсни қонуний ўзгартириш, жинсни тўғирлаш тартиблари ва ҳ.з)

Ўзбекистон Қонунчилиги трангендерликни тан олмайди, жинсни тузатиш тартиблари очиқ ойдин эмас, транс*шахсларни камситиш таъқиқланмаган. Бундан ташқари қонунларда гендер тушунчаси умуман изоҳланмаган. Жинсни ўзгартириш мумкинлиги ЎзР Оила Кодексининг 299–модда ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш Қоидаларининг 149–157 бандлари билан тартибга солинади.

Қонунчиликда тиббиёт идораларнинг ҳулосаси асосида жинсни ўзгартиришга рухсат берилган. Тиббиёт идоралари эса ўз ҳулосаларни КХТ–10, F 64.0 талабларига таянади, булар дифференциал диагностикани ўтказиш, шизофрения аломатларини, хромосом ўзгаришларни руйхатдан чиқаришни талаб қилади. Ташҳис қўйиш учун яна бир шарт – бу олдинги икки йил давомида трангендерли ўхшашлик сақланган бўлиши.

²⁵ Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида”ги қонуннинг 9–моддаси.

²⁶ <https://www.gazeta.uz/ru/2018/01/25/hiv/>

²⁷ <https://life4me.plus/ru/news/na-borbu-s-vich-v-uzbekistane-budet-napравleno-50-mln/>

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ички йўриқномасига асосан дифференциал диагностикани ўтказиш учун бир ойдан кам бўлмаган вақт давомида пациент стационарда кузатилиши шарт. Шифокорлар комиссиясининг хулосаси асосида F 64.0 ташҳиси билан маълумотнома берилади. Ушбу маълумотнома билан транс*шахс фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш идораларга мурожаат қилади ва фуқаролик ҳолати ҳужжатига тегишли ўзгартириш киритилади ва шахс паспортига уни алмаштириш зарурлиги ҳақида белги қўйилади.

2019 йилда Бутунжаахон соғлиқни сақлан ташкилоти касалликларни халқаро таснифининг ўн биринчи нақлини (КХТ–11), ундан F 64 жинсий ўхшашлик бўйича касалликлар олиб ташлаб чоп этди. Ўзбекистон тиббиёт идораларни КХТ–11 га ўтилиш кутилмоқда, демак руҳий касалликлар рўйхатидан жинсий ўхшашлик бўйича касалликлар чиқарилади. Шу билан бирга ҳокимият томонидан Оила кодексига ўзгартиришлар киритилиши, «гендер» тушунчага изоҳ бериш ва давлат хизмати ходимлари учун транс*шахслар билан ишлаш бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиш лозим.



БИР ЖИНСЛИ МУНОСАБАТЛАР

Собиқ совет республикалар минтақасида фақат Ўзбекистон ва Туркменистонда гомосексуал алоқалар учун жинсий жавобгарлик сақланиб қолган. Ўзбекистонда Совет Иттифоқи давридан қолган мерос эркак билан эркакни ўз хоҳишлари билан жинсий муносабатлари учун уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш белгиланган. Ушбу модда Ўзбекистонни халқаро мажбуриятларига зид бўлса ҳам, ҳокимият эркаклар ўртасида гомосексуал муносабатларни жинсий жавобгарликдан чиқаришни рад этиб келмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон БМТни ҳамма асосий конвенцияларни имзолаган: 1992 йил Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияни (1948), 1996 йилда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пактни (1966), 1995 йилда Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пактни (1966), Аёлларга нисбатан барча камситиш шаклларни йўқотиш тўғрисидаги конвенцияни (1979), Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр–қийматини камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашга қарши конвенция (1984). Бу конвенцияларнинг ҳаммасида ҳар бир инсон ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодларидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мол-мулки, табақаси ёки бошқа ҳолатидан қатъи назар барча ҳуқуқ ва барча эркинликка эга бўлиши зарур. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлар ҳартомонлама ўзаро боғлиқдир ва бир биридан ажралмасдир.

2010 йил инсон ҳуқуқлар бўйича БМТ Қўмитасида Ўзбекистон вакиллари гомосексуализм учун жинсий жавобгарлигини бекор қилиш бўйича савол берилганда²⁸, бунга Ўзбекистон вакиллари «бу давлатнинг халқаро мажбуриятларнинг ажралмас қисми» эмас деб жавоб беришди.

²⁸ Фергана.news ахборот агентлиги: «Ўзбекистон: Ҳокимият яна бир гал инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ Қўмитаси билан баҳслашди (I қисм)» <http://www.fergananews.com/news.php?id=14278&print=1>

Аммо, инсон ҳуқуқлар бўйича БМТ Қўмитаси яна бир марта ўз тавсияларида гомосексуалликни жиноий жавобгарликдан чиқариш зарурлигини таъкидлади: «Аъзо – давлатлар ўз қонунчиликни қайта кўриб, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро Пактнинг 26 моддасига мувофиқлаштириш лозим. Ҳамда жинсий ориентацияга зўронлик ва камситишдан самарали ҳимояни таъминлаш керак»²⁹.

120–моддани бекор қилиш ва жинсий ориентация ҳамда гендер идентификацияга асосан камситишга йўл қўймаслиги бўйича Тавсиялар Ўзбекистон ҳукуматида БМТни инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашнинг Ҳартомонлама Даврий Маълумотида ҳар бир циклда тақдим этилади. Масалан, 2018 йилда ШХҒ бўйича 11 та тавсия берилганди, аммо уларнинг ҳаммаси ҳукумат томонидан рад этилди³⁰.



«ГЕЙ–ТАРҒИБОТНИ» МАН ЭТИЛИШИ

Ўзбекистонда «гей–тарғиботни» ман этадиган қонун йўқ. Гомосексуалликни ва ЛГБТ- уюшманинг муаммолари очиқ мулоқоти расмий матбуотда ва Ўзбекистон сиёсатчиларнинг риторикасида кузатилмаган.



ЛГБТ–УЮШМАСИ УЧУН ФИКР АЛМАШИШ ВА ЙИҒИЛИШ ЭРКИНЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси Жиноий Кодексидаги 120–модда ЛГБТ–уюшмага нисбатан фикр билдириш ва йиғилишларни ўтказиш эркинлиги масаласини олдиндан белшилаб қўяди. Бу мавзу расмий матбуотда тақиқланган.

Умуман йиғилиш эркинлиги бўйича Ўзбекистонда бу эркинлик жиддий чекланган. Нодавлат нотижорат ташкилотлар рухсат бериш кўринишда қайд этилади, бу эса уюшмалар ва йиғилишлар эркинлиги тушунчасига жиддий қарама–қаршидир.

Рўйхатга олинмаган ташкилотни ташкил қилиш ва иштирок этиш ноқонуний ҳисобланади ва 3 йилга озодликдан маҳрум этилади³¹.

²⁸ Фергана.news ахборот агентлиги: «Ўзбекистон: Хоқимият яна бир гал инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ Қўмитаси билан баҳслашди (I қисм)» <http://www.fergananews.com/news.php?id=14278&print=1>

²⁹ Human Rights Committee. Concluding observations of the Human Rights Committee. Ninety-eighth session. New York, 8–26 March 2010 http://www2.ohchr.org/english/bodies/hrc/docs/co/Uzbekistan98_AUV.doc

³⁰ 102.1 – 102.11 Аъзо–давлатларнинг тавсияларнинг мавзувий руйхати. <https://www.ohchr.org/EN/HRBodies/UPR/Pages/UZindex.aspx>

³¹ Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси, 216-модда, 2017 йил март ойида киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчаларга мувофиқ. Қаранг: (Ўзбекистон Республикаси қонунлар тўплами, 2017й., 13, 194; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03/18/463/0634).

Ташкилотни рўйхатга олиш малол келадиган жараён бўлиб, жуда кўп ҳужжатлар йиғишини талаб қилади: низом, таъсис шартномаси, мажлислар протоколлари, нодавлат нотижорат ташкилотнинг таъсисчилар ҳақида маълумотлар, фаол фуқаролар рўйхати ва бошқа ҳужжатлар.

Нодавлат нотижорат ташкилотлардан бундан ташқари қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади:

- ✓ рўйхатга оладиган идора билан тадбирлар ўтказишни келишиш ва ўтказиладиган тадбирларда идора вакилини иштирок этишга рухсат бериш;
- ✓ рўйхатга оладиган идорага нодавлат нотижорат ташкилот вакиллари чет эл мамлакатларга бориши ташкил этилиши ҳақида хабар бериш;
- ✓ рўйхатга олган идора билан чет эл мамлакатлардан, халқаро ва чет эл ташкилотлардан, чет эл мамлакатларнинг фуқароларидан ёки уларни топшириғи бўйича бошқа шахслардан пулли маблағлар ва молк – мулк олишини келишиш³².

Бундан ташқари, рўйхатга олинган ташкилотлар учун бир қатор маъмурий тўсиқлар ва чекловчи қонуниятнинг талабларини бажармаган ҳолда ЎзР маъмурий жавобгарлик Кодексида белгиланган жиддий жарималар мавжуд.

Нодавлат ташкилотларни мавжуд рўйхатга олиш амалиёти шуни кўрсатадики, адлия идоралари рўйхатга олиш муддатини иложи борица чўзишга ҳаракат қилишади, ҳатто хайрия ташкилотларни рўйхатга олиш ҳаракатлар бўлганда асоссиз рад этиш ҳолатлар учраган. Фаолларнинг аноним хабарларига қўра, ОИВ билан яшовчилар билан ишламоқчи бўлган ташкилотни бешинчи уринишда рўйхатга олишган.

Шу борада, рўйхатга олиш характерини ва жараённи ҳисобга олган ҳолда ва Жиноят Кодексида баччабозлик ҳақида моддани мавжудлиги Ўзбекистонда мустақил ЛГБТ – ташкилотни рўйхатга олиниши ва ишлаши деярли мумкин эмас.



БИР ЖИНСЛИ НИКОҲЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ

Ўзбекистон Оила Кодекси никоҳдан ўтаётган шахслар учун гендер чегараларни қўймайди. Ўзбекистонни оилавий қонунчилиги никоҳ шартномаси фақат эркак ва аёл ўртасида тузилади деб айтмайди, ваҳоланки, қонунда никоҳ отаётганларга фақат «шахс» ёки «шахслар» деган сўз ишлатилади. Оила кодексида никоҳдан ўтиш учун тўсиқлар ҳақида айтилганда ҳам, у ерда бир жинсли шахслар ўртасида никоҳ ҳақида ҳеч нарса дейилмаган³³.

³¹ Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси, 216-модда, 2017 йил март ойида киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчаларга мувофиқ. Қаранг: (Ўзбекистон Республикаси қонунлар тўплами, 2017й., 13, 194; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03/18/463/0634).

³² «Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 8-модда «Нодавлат нотижорат ташкилотининг мажбуриятлари» 14 апрел 1999 йил 763-сон. <http://www.lex.uz/acts/10863>

³³ Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. Модда-16 «Никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар» 30.04.1998.



НАФРАТ ЮЗАСИДАН СОДИР БЎЛГАН ЖИНОЯТЛАР

Ўзбекистон қонунчилиги нафрат юзасидан содир бўлган жиноятлар таърифини бермайди. Ўзбекистон Жиноят кодекси жазони оғирлаштирадиган ҳолатларга миллий ёки ирқий адоват кўзғатишни тан олса ҳам, буни нафрат юзасидан содир бўлган жиноятларнинг тўлиққона таърифи деб бўлмайди. Ўзини жинсий ориентация ёки гендер идентификация аломатлари бўйича зулм ҳақида ҳеч нарса дейилмаган³⁴.



ОИВ БИЛАН ЯШОВЧИ ШАХСЛАРНИ ҲИМОЯЛАЙДИГАН ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР, ҚОНУНЛАР ВА НИЗОМЛАР

- 1 ОИВ/ОИТС билан курашиш тарафдорлиги тўғрисида Декларация. 27 июн 2001 йил³⁵,
- 2 ОИВ/ОИТС бўйича сиёсий Декларация. 2 июн 2006 йил³⁶,
- 3 ОИВ/ОИТС бўйича сиёсий Декларация. 2011 йил³⁷,
- 4 «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишнинг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 19 август 1999 йил³⁸,
- 5 «ОИВ инфекцияни тарқалишига қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида» ЎзР Президентининг Фармони 26 декабр 2008 й³⁹,

³⁴ ЎзР Жиноят Кодексининг 156–моддаси.

³⁵ ОИВ/ОИТС билан курашиш тарафдорлиги тўғрисида Декларация. Манба: www.ilo.org/public/russian/region/eurpro/moscow/info/publ/ares26-2_ru.pdf

³⁶ ОИВ/ОИТС бўйича сиёсий декларация. Манба: www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/aidsdecl.shtml

³⁷ ОИВ/ОИТС бўйича сиёсий декларация. Манба: <http://www.unaids.org/ru/aboutunaids/unitednationsdeclarationsandgoals/2011highlevelmeetingonaids/>

³⁸ «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишнинг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида» ЎзР Қонуни Манба: <http://www.parliament.gov.uz/ru/law/1999/3317/>

³⁹ «ОИВ инфекцияни тарқалишига қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида» 1023 русумли ЎзР Президентининг Фармони 26 декабр 2008. Манба: <http://www.minzdrav.uz/documentation/detail.php?ID=11101>.

- 6 «ОИТСга қарши курашиш марказларининг ташкилий тузилмаси ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. №1 Ў5.01.2009 й⁴⁰,
- 7 2007–2011 йилларда амалга ошириладиган Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекциянинг тарқалишига қарши давлат стратегик дастури яқунланган, Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги буйруғи билан «2012–16 йиллар учун ОИВ инфекцияга қарши Стратегик дастур» ни ишлаб чиқиш учун ишчи гуруҳ тузилган⁴¹.
- 8 «Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси билан боғлиқ профилактика тадбирларни такомиллаштириш ва тиббий–ижтимоий ёрдамнинг ташкил этилишини такомиллаштириш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 30 октябр 2007 йилдаги буйруғи⁴².



ТАВСИЯЛАР

- Ўзбекистон Республикаси эркалар ўртасида ихтиёрий жинсий муносабатларни жиноий жавобгарликдан чиқариши керак;
- Ўзбекистон қонунчилигига ўзини жинсий ориентация ва гендерлик идентификация белгиси бўйича камситиш тушунчасини киритиш;
- Мигрантлар учун ОИВ га мажбурий тест ўтказишни тўхтатиш;
- ОИВ билан яшовчи шахслар ҳимоясини таъминлаш ва уларнинг соғлиги ҳақида маълумотлар тарқалишига йўл қўймаслик;
- Жиноят Кодексининг ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтириш хавфи остида қолдириш ёки юқтириш бўйича 113–моддага ўзгартиришларни киритиш;
- Қонунчиликка гендер тушунчани киритиш, юридик жиҳатдан жинсни ўзгартириш бўйича очиқ–ойдин механизмларини таъминлаш ва жинсни тўғирлаш тартибларини ўрнатиш.

⁴⁰ «ОИТСга қарши курашиш марказларининг ташкилий тузилмаси ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. №1 Ў5.01.2009 й: <http://www.unaids.org/ru/dataanalysis/knowyourresponse/countryprogressreports/2012countries/file,68552,ru..pdf>

⁴¹ «Ўзбекистон Республикаси ОИВ инфекциясини олдини олиш чора – тадбирлари ва тиббий ёрдамни ташкил этишни янада такомиллаштириш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг буйруғи: <http://www.unaids.org/ru/dataanalysis/knowyourresponse/countryprogressreports/2012countries/file,68552,ru..pdf>

⁴² «Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси билан боғлиқ профилактика тадбирларни такомиллаштириш ва тиббий–ижтимоий ёрдамнинг ташкил этилишини такомиллаштириш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 30 октябр 2007 йилдаги буйруғи http://www.minzdrav.uz/documentation/detail.php?ID=9296&sphrase_id=530620



ЎЗБЕКИСТОН ТОМОНИДАН ТАСДИҚЛАНГАН (ИМЗОЛАНГАН) ВА ҚЎШИЛИШ ТАРТИБЛАРДАН ЎТГАН ХАЛҚАРО ВА МИНТАҚАВИЙ ҲУЖЖАТЛАР

- 1 Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт 16.12.1966 йил — **Ўзбекистонда 1995 йил 28 декабрдан кучга кирган.**
- 2 Факультативный протокол к Международному пакту о гражданских и политических правах 16.12.1966 — **Ўзбекистонда 1995 йил 28 декабрдан кучга кирган.**
- 3 Международный пакт об экономических, социальных и культурных правах 1966 г — **Ўзбекистонда 1995 йил 28 декабрдан кучга кирган.**
- 4 Конвенция о правах инвалидов — **2009 йилда имзоланган лекин тасдиқланмаган.**
- 5 Конвенция о правах ребенка — **Ўзбекистонда 1992 йил 9 декабрдан кучга кирган.**
- 6 Международная конвенция о защите прав всех трудящихся-мигрантов и членов их семей — **имзоланмаган.**

